Ушбу сонда:
2 САЙЛОВ ҚОНУНЛАРИ АМАЛДА
3 TV-ДАСТУРИ
4 «ОҚТЕПА» СИРЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 16 октябр, шанба № 145 (792)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Қишлоқдаги янги бинолар

Наманган вилоятининг тоғ олди қишлоқларидан бири - Заркентда бир пайтнинг ўзида иккита янги иморат қад ростлади.

Қишлоқнинг марказида янги савдо - ишлаб чиқариш мажмуи очилди. Мажмуа биносининг асосий қисмида тикувчилик устахонаси ва палослар ишлаб чиқарувчи кичик цех жойлашган. Шунингдек, савдо ишлаб чиқариш мажмуасидан ошхона ва дўконлар ҳам жой олган. Бу ерда 60 киши доимий иш билан таъминланди.

Қишлоқнинг янги деҳқон бозори ҳам дастлабки сотувчилар ва харидорларни қабул қилди. Ушбу бозор замонавий лойиҳа асосида қурилган.

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

**Сўнгги вақтларда Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шу йил 14 октябр куни Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигига қуйидаги мазмунда нота юборди:**

«Ўзбекистон томони Қирғизистон Республикаси жанубидаги ҳолатнинг барқарорлашув жараёни ниҳоясига етаётганидан қониқиш изҳор этади.

Қирғизистон чегараларининг яхши мустаҳкамланиши, айниқса Тожикистон билан чегарадош жойларда бу суверен давлат аҳолиси ва ҳудуди хавфсизлигининг таъминланиши, қўпорувчи ва террорчи жиноий тўдаларнинг ўзбошимчалик билан ўтиш ҳамда наркотик моддалар билан савдо қилиш йўллари ёпиб қўйилгани Марказий Осиё давлатларининг муштарак манфаатларига мос келади.

Сўнгги уч ой мобайнида юз берган воқеалар минтақамиздаги мамлакатларнинг халқаро террорчилик, диний экстремистик руҳдаги ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилиши зарур эканини кўрсатди.

Ўз сафига турли миллатга мансуб жиноятчиларни бирлаштириб, Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган тўдаларнинг юзсизлик ва ўзбошимчалиги, давлат олдига турли шартлар қўйиб, одамларни гаровга олиши - буларнинг барчаси халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ, халқаро террорчилик ҳаракати, деб баҳоланади.

Ўзбекистон томони, Қирғизистон раҳбарияти номига илгари юборган ноталарида ҳам қайта-қайта такрорлаганидек, Қирғизистон раҳбариятининг қуролли кучларни мустаҳкамлаш, куч ва имкониятни жиноятчи тўдаларга зарба бериш ва уларни йўқотишга қаратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон қуролли кучлари қардош Қирғизистоннинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларининг дахлсизлигини, аҳолисининг тинчлик ва осойишталигини бузишга уринган ҳар қандай тажовузни бартараф этишда ёрдамга келишга тайёр эканини билдириш ваколатини олган.

Шу билан бирга, биз шунга аминмизки, тобора авж олиб бораётган бундай ёвузлик билан «душманни ўз уйимдан чиқариб юборсам бўлди» қабилида курашиб бўлмайди. Буни жаҳонда террорчилик ва экстремизмга қарши олиб борилаётган кураш тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди.

Жиноятчи ва террорчиларнинг ўзлари гаровга олган кишилар билан биргаликда бемалол чегарадан ўтиб кетиши, уларнинг ҳукумат назоратида бўлмаган Бирлашган тожик мухолифати жангарилари тўдалари билан Тожикистондаги Жирғатол, Ғарм ва Қоратегин зоналарида ҳукм ўтказаётгани жиддий хавотир ва ташвиш уйғотмай қолмайди.

Биз бу жиноятчи тўдалар ортида турган Афғонистон ва бошқа қўшни мамлакатлардаги катта ҳарбий ва молиявий кучга эга бўлган халқаро террор ва экстремизм марказлари ўзларининг ёвузлик ҳаракатини тўхтатмаётгани ҳамда диний экстремизм, ақидапарастлик ва террорчилик мафкурасини ёйиш борасидаги узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларидан воз кечмаётганини эътибордан қочиришимиз мумкин эмас.

Шу маънода, Тожикистон шарқидаги ҳукумат кучлари назоратида бўлмаган ҳудудлардан Қирғизистон жанубига қилинган қуролли тажовуз келгуси баҳорда Тожикистон билан чегарадош юксак тоғ довонлари очилиши билан яна такрорланмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Юзага келган хавфли вазият бу хатарнинг манбаларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда бундай таҳдиднинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида халқаро ҳамкорликни, энг аввало, Қирғизистонга иттифоқдош давлатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилишини тақозо қилади.

Ўзбекистон томони Қирғизистон томонига халқаро террорчиларнинг мамлакатларимиз ҳудудлари теварагидаги вазият барқарорлигини бузишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларининг олдини олиш борасида мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёр эканини яна бир бор изҳор этади.

Шу билан бирга, маълум қиламизки, биз Ўзбекистон чегаралари ва ҳудудининг хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган хавф-хатарнинг олдини олиш учун чегараларимизни мустаҳкамлаш бўйича барча қўшимча чора-тадбирларни кўрамиз».

**(ЎзА)**

## *ЧЕМПИОНЛИГИМНИ ДАВОМ ЭТТИРАМАН!*

**Профессионал бокс (WBA) таснифида жанг қилаётган яқиндагина тўққизинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлган Артур Григорян Тошкентга қайтди. Уни пойтахт аэропортида Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баходир Махситов бошчилигидаги гуруҳ, оила аъзолари, дўстлари ҳамда спорт журналистлари кутиб олишиб, ғалабаси билан қизғин табриклашди.**



Ўтган сафарги ғалабангизни мустақиллик тўйимизга атадим, деб айтгандингиз. 9-ғалабангизни кимга бағишладингиз? деган журналистлар саволига, «бутун Ўзбекистонимга, халқимга бағишладим», деб жавоб берди Артур Григорян.

— Бу галги жанг мен учун олдинги бахсларимдан кўра оғирроқ кечди. Чунки Майкл Кларк бошқа рақибларимга қараганда анча тажрибали, Халқаро Бокс Уюшмаси (IBC) таснифида 24 жанг ўтказиб, барчасида ғалабага эришган (Артур WBA таснифида 26 жанг ўтказиб, барчасида ғолиб чиққан). Учрашувимиздан бир хафта олдин ўтказилган матбуот анжуманида Майкл менга «Артур, сен ҳам барча жангларда енгиб келаяпсан, мен ҳам. Бу сафар мендан енгиласан», деди. Мен эса, «рингда маълум бўлади», деб жавоб бердим. Биринчи раундда рақибимни нокдаун холатига туширдим. Тўртинчи раундда эса, елкамга теккан унинг зарбасидан сўнг, судья мени нокдаун холатида деб ҳисоблади. Буларнинг ҳаммаси видеотасвирда бор. Тез кунда телевизор орқали учрашувни кўрасизлар. «Замин» студиясининг режиссёри Саъдулла Абдуллаев ва Мирзо Холметов «Она замин юлдузи» деган мукофотни менга жангга тайёргарлик жараёнида беришди. Бу даражага етишимда ўз кучим, иродам, кўпроқ эса халқимнинг қўллаб-қувватлаши менга ёрдам берди.

**— Ўзбекистон боксчилари хақида қандай фикрдасиз?**

— Ўзбекистонлик икки боксчимиз жахон чемпиони бўлганини эшитиб, бошим осмонга етди. Яқинда Тошкентда бўладиган бокс бўйича Осиё чемпионати бахсларини кўриб бўлгач, Германияга қайтаман. Бир-икки йилдан сўнг, Ўзбекистонимизда боксни янада ривожлантириш учун клублар ташкил этиб, менежерлик қилишни мақсад қилиб қўйганман.

**— Артур Григорян ўнинчи марта жахон чемпиони бўлгандан сўнг, боксни тарк этар экан, деган миш-мишлар бор. Шунга нима дейсиз?**

— Менинг билагимда ҳали кучим кўп. Чемпионлигимни камида 12 мартага етказаман. Чунки профессионал боксда баҳслар 12 раунд давом этади. Ғалабаларим сонини шунга тенглаштирмоқчиман. Лекин, 15 мартага етказиш ниятитим ҳам йўқ эмас.

Артурнинг онаси - Клара Герасимова: «Мен ўғлим билан фахрланаман. Уни шу даражада етказган, туғилган юртим Ўзбекистонимдан ҳамда уни қўллаб-қувватлаб турган халқимдан миннатдорман».

Отаси - Роман Григорян: «Ўғлимнинг ёшлигида бокс - хақиқий эркаклар спорти. Келажакда жахон чемпиони бўламан, деб мазкур спорт турига ишқибоз бўлган вақтида бундай поғонага чиқишига кўзим етмаган эди. У орзусига эришганидан хурсандман».

Артур жахон чемпионлиги учун ўнинчи бахсини Гамбург шаҳрида 11 декабр куни ўтказади. Унинг рақиби кимлиги яқин кунларда маълум бўлади.

**«Туркистон-пресс»**

*«Пахта-99»*

## ОРОЛБЎЙИДА БИРИНЧИ

Тахтакўпир туманидаги «Мақпалкул» ширкатлар бирлашмаси Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди. Қабул пунктларига 1000 тонна хомашё етказиб берилди. Режага қўшимча яна 250 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилинди.



## БУЛОҚБОШИЛИКЛАР ЗАФАРИ

Андижон вилояти Булоқбоши тумани пахтакорлари маррага етди. Қабул пунктларига 10 минг 636 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Гектар бошига ўртача 29 центнердан ҳосил кўтарилди. Миришкорлар режага қўшимча яна 1000 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилди.

**(ЎзА)**

## ДАВЛАТ ТИЛИ ВА АТАМАШУНОСЛИК

**Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганига ўн йил тўлди. Шубҳасиз ушбу муҳим ҳужжат ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлашга, унинг барча соҳаларда кенг қўлланишига катта имконият яратди.**

ЎзА мухбирининг Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан суҳбати ана шу ҳақда бўлди.

**- Одил ака, ёзувчи сифатида айтинг-чи, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, тилнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга таъсири қандай кечди?**

- Қонун, албатта, катта куч. «Давлат тили ҳақида»ги қонун нуқтаи назардан олиб қарасак, ўн йил ичида бу борада мамлакатимизда улкан тарихий ўзгаришлар содир бўлди. 1991 йилда мустақилликка эришдик. 1992 йилда мустақил мамлакатимизнинг Конституцияси қабул қилинди. Бош қомусда ўзбек тили - давлат тили деб абадий муҳрланди. Албатта, истиқлол она тилимиз нуфузини янада кўтариш, уни тараққий эттириш учун бизга ёрқин йўл очиб берди.

Маълумки, шўролар даврида ўзбек тилининг қўлланилиши кескин чегараланган эди. Барча катта-кичик мажлислар рус тилида олиб борилар, иш юритиш ҳам асосан аңа шу тилда амалга ошириларди. Ҳатто ўзбек мактабларида ҳам она тили бўйича дарс соатлари қисқартирилган, техника, тиббиёт ва бошқа олий ўқув юртларининг юқори курсларида асосий фанлар рус тилида ўқитиларди. Ана шундай мураккаб бир шароитда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг юзага келиши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Ўтган вақт мобайнида ўзбек тилининг амал қилиш доираси кенгайди, унга бўлган эҳтиёж ҳам ортди. Бугунги кунда деярли барча идораларда иш юритиш давлат тилида олиб борилаяпти, сессия, йиғилиш ва мажлислар ўзбек тилида ўтаяпти. Олий ўқув юртларида ўзбек тили кафедралари ишлаб турибди. Мактаблар, лицей ва коллежларда она тили дарс соатлари кўпайтирилган, бошқа тилларга ихтисослашган мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда ҳам ўзбек тили асосий фан сифатида мукаммал ўқитилади.

**- 1995 йилда «Давлат тили ҳақида»ги қонунга ўзгартишлар киритилишининг боиси нимада эди?**

- Ҳужжатлар вақт ўтиши билан эскириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга қараб, уларнинг айрим жиҳатлари ўзгариши табиий ҳол. Биздаги «Давлат тили ҳақида»ги қонун ҳали шўролар мавжуд шароитда, қайта қуриш эҳтирослари авж олган бир пайтда қабул қилинган эди. Вақт ўтиши билан унинг айрим моддалари эскирди, айримларининг эса ортиқчалиги сезилди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда ушбу ҳужжатга ўзгартишлар киритиб, уни янги таҳрирда қабул қилди.

**- Ушбу қонунни изчиллик билан амалга оширишда Атамашунослик қўмитаси қандай тадбирларни қўллаяпти?**

- «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишда атамашунослик қўмитасининг ўрни катта, албатта. Негаки, давлат тилида қонунлар, расмий ҳужжатлар тайёрлашда, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим тизимида қўлланиладиган барча дарслик ва қўлланмаларни ёзишда, илм-фанда, иш юритишда ва бошқа соҳаларда нотаниш атама(термин)ларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бунда, албатта, атамашунослик илми қўл келади. Тилнинг софлигини, жозибасини сақлаш учун ҳам атамалар бир хиллиги таъминланиши ва уларда чалкашликлар бўлмаслиги лозим. Шунинг учун атамалар тартибга солиб турилиши, ундаги ҳар хилликлар бартараф этилиши шарт. Бироқ атамаларни тартибга солиш жўн иш эмас. Бунинг учун илмий асосланган муайян тамойиллар, мезонлар ишлаб чиқилиши керак. Атамақўм ўз амалиётида турли соҳа олим ва мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб боради ва уларнинг илмий хулосаларига таянади.

Атамақўм фаолиятининг дастлабки йилларида юз берган атамалар ҳар хиллиги, бир атаманинг 3-4 хил кўринишда қўлланилиши оқибатида пайдо бўлган чалкашликларни бартараф этиш учун атамашуносликка оид бир қанча илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Бу конференцияларда турли фан соҳаларига оид атамаларни тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу асосда «Русча - байналминал атамаларга ўзбекча муқобил танлаш принциплари», «Термин танлаш» мезонлари тайёрланди.

**- Атамаларнинг тўғри ва бехато қўлланилиши назорат қилинадими?**

- Қўмитанинг атамалар қўлланиши бўйича тайёрлаган тавсиялари 1996 йилгача Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси томонидан жорий қилинар эди, 1996 йилдан бошлаб эса Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси муҳокамасидан кейин ҳаётга татбиқ этилмоқда. Афсуски, атамалар олий идораларда шу тариқа тасдиқланган бўлишига қарамай, уларни баъзи оммавий ахборот воситалари ҳамон нотўғри қўлламоқда. Масалан, институт атамаси институт деб тасдиқланишига қарамасдан, ҳануз «олийгоҳ» тарзида, пенсионер атамаси «нафақахўр» тарзида, аэропорт атамаси «тайёрагоҳ» тарзида қўлланиши давом этаётир.

Шу боис Вазирлар Маҳкамаси комиссияси, Олий Мажлис қўмитаси тасдиғидан ўтган атамалар, тавсиялар газеталарда эълон қилинмоқда. Уларнинг катта қисми эса «Адолат» нашриётида «Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар» луғати сифатида чоп этилди. Шу йил «Ўзбекистон овози» газетасининг июнь-август ойлари сонларида эълон қилинган атамалар мазкур таҳририятнинг ташаббуси билан «Атамаларни тўғри қўлланг» деган номда китобча шаклида ҳам босмадан чиқди.

**Суҳбатдош: Ўктам ДЎСТЁР (ЎзА).**

## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

### Террорчининг аёли билан суҳбат

**Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Моҳира Мирзаабдуллаеванинг пешонаси шўр экан. У 33 ёшида бева қолди. Шу пайтгача ҳеч қаерда ишламаган аёл энди каттаси 13, кичиги 2 ёшда бўлган беш фарзандни оёққа турғизиши лозим. Ёш аёлнинг бошига тушган мусибат учун унинг турмуш ўртоғи айбдор эди.**

М.Мирзаабдуллаеванинг эри Абдували Йўлдошев қўшни Қирғизистон ҳудудига ҳужум уюштирган диний экстремистик гуруҳ бошлиқларидан бири эди. Бир қанча жиноятлар, жумладан, Наманган шаҳрида икки нафар ички ишлар ходими ўлимига сабаб бўлган А.Йўлдошев Қирғизистон ҳудудида ажал топди. Унинг «сафдошлари» Абдувалининг жасадини жанг майдонида қолдириб кетди.

М.Мирзаабдуллаева билан суҳбатимиз шундан бошланди.

- Эримнинг жасадини таниш учун мени Ўш шаҳрига олиб боришди.

Эримни иккита белгиси бўйича дарҳол танидим: бир қўлининг бармоғи йўқ ҳамда тирсагининг юқорисида чандиғи бор эди. Жасадни олиб кетишга рухсат беришди.

Ҳозир кўнглимдан нималар ўтаётганини биласизми? Кечирасиз-у, ҳаммамизнинг кўнглимиз энди бир ёқли бўлди. У қотиллик қилиб, қочиб кетганидан сўнг ўтган икки ярим йил мобайнида биз қандай таҳликада яшаганимизни айтсам, ишонмасангиз керак. Шуни ҳам айтишим лозимки, бу вақт мобайнида фарзандларим бирон марта ҳам отасини сўрагани йўқ. У қочиб кетганидан кейин туғилган кенжа ўғлим эса, уни умуман билмайди.

Таҳририятдан А.Йўлдошевнинг аёли билан учрашиш тўғрисида топшириқ олганимдан сўнг, ёрдам сўраб Наманган шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Аюбхон Исаевга мурожаат қилдим.

- Йўл-йўлакай бир нечта дарслик ҳам олиб оламиз, - деди А.Исаев. - Чунки яқинда А.Йўлдошевнинг аёли болаларига бир қанча дарслик етишмаётгани ҳақида гапирган эди.

Дарсликлар қаторида ширинликлар ҳам олдик, албатта.

- Отаси ким бўлмасин, болаларининг айби йўқ-ку, - дейди ҳамроҳим. - Муҳими - уларнинг яхши инсон бўлиб ўсишида.

Вилоят ва шаҳар ички ишлар бошқармаси ва бўлими ходимлари А.Йўлдошев қўлида ҳалок бўлган кишиларнинг фарзандларига мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бу оилаларнинг бирида иккита, бошқасида эса бешта фарзанд етим қолган... Улар А.Йўлдошевнинг фарзандларидан фарқли ўлароқ, ҳар доим отасини сўрайди.

- Болаларимни ёмон кишилар таъсирига тушиб қолишидан Ўзи асрасин, - дейди М.Мирзаабдуллаева. - Ҳар нафасда Оллоҳдан сўраганим шу. Ҳар куни уларни мактабга жўнатаётиб, фақат яхши ўқинглар, одам бўлинглар, дейман. Бобоси ҳам шу гапни айтади. Чунки бирон-бир кор-ҳол бўлса, одамлар нима дейди: отаси фалончи эди, дейди-да... Уларни отасига ўхшашдан Худойим ўзи асрасин!

Ҳа, Худо ҳеч кимнинг бошига бундай кун, бундай кўргуликни солмасин. Фарзандлари отасининг исмини кўтариб юришини истамаган онанинг гапидан чиқадиган хулоса - шу. Оллоҳнинг ўзи билади-ку, лекин умрини қилмишига яраша якунлаган А.Йўлдошев учун бундан ортиқ жазо борми? Беихтиёр ўйга чўмади киши: юртидан бадарға бўлиб, ўзга юртларда жиноятлар содир этиб, қон тўкиб юрган А.Йўлдошев нима топди? Итдай ўлим топди, холос. Уни шериклари ҳам ўлим топган жойида итдек ташлаб кетди. Ундан нима қолди? Фақатгина лаънатларга қоришган ном қолди, холос. Аёли, бешта етим фарзанди ҳам қолди. Болалар отаси тўғрисидаги яхши хотиралар билан эмас, А.Йўлдошев қарши курашган давлат ғамхўрлигида яшамоқда.

Пировардида М.Мирзаабдуллаеванинг қўшнилари билан ҳам суҳбатлашиб, уларнинг А.Йўлдошев иштирок этган Қирғизистон жанубидаги воқеаларга муносабатини билмоқчи бўлдим.

- Ахборот кўрсатувларини мунтазам кўриб бораман, - дейди қўшнилардан бири Абдулла Ашуров. - Ташвишимиз бежиз эмас, албатта. Чунки А.Йўлдошев сингарилар туфайли қанча одамларнинг тинчлиги бузилди. Ҳайрон қоламан: унга нима етмаган эди ўзи? Топгани нима бўлди? Бундай қилмиш шундай якун топиши аниқ эди, албатта.

Террорчилик ва жиноятчиликнинг миллати йўқлиги ҳақидаги ҳақиқат барчага маълум бўлса-да, А.Йўлдошев сингари кимсалар бизнинг орамизда ўсиб-улғайгани барчамизга алам қилади. Шунинг учун ҳам биз бошқалар бундай кимсаларнинг изидан эргашмаслиги учун ҳаракат қилишимиз керак.

- Ёлланган халқаро жиноятчилар тўдасига зарур зарба берилишига шубҳа йўқ, - дейишди мен билан суҳбатда шаҳар аҳли. - Биз эса, ўзимизнинг эртанги ёрқин, тинч ва фаровон ҳаётимиз, давлатимизнинг буюк келажагини ўйласак, бундан буён ҳам ниҳоятда ҳушёр бўлишимиз, фарзандларимизнинг тарбиясига янада кўпроқ эътибор беришимиз лозим.

**Назира ХЎЖАЕВА**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси билан Олий Мажлис фан, таълим, маданият ва спорт қўмитасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Уни Республика Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.**

## МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Йиғилишда таъкидланганидек, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди. Қонун қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз Истиқлолга эришди, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унда ўзбек тили давлат тили сифатида расмийлаштирилди. Иқтисодиёт ва сиёсий ҳаётда улкан ўзгаришлар юз берди. Олий Мажлис давлат тили ҳақидаги қонуннинг мустақиллигимиз шароитига мослаб янги таҳририни қабул қилди.

Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси томонидан турли вазирлик, қўмита, идора, корхона, ҳокимликларда бу борадаги давлат дастури қандай бажарилаётгани мунтазам ўрганилиб, комиссия мажлисларида муҳокама қилинмоқда. Сўнгги икки йил ичида Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Навоий вилояти, Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ўрганилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

# САЙЛОВ ҚОНУНЛАРИ АМАЛДА

*Репортаж*

## ҚИШЛОҚҚА ОҚШОМ ҚЎНГАЧ



Қибрай тумани маркази пойтахтдан автобусда 25 дақиқали йўл. Машинадан тушишингиз билан замонавий услубда қурилган деҳқон бозори эътиборингизни жалб этади. Сал нарирокда эса туман марказий сайлов участкаси биноси. Унинг пештоқи ва икки ёнида сайловлар ўтказиладиган кунлар ёзилган плакатлар. Уларни синчиклаб кузатаётган 40 ёшдаги йигитни суҳбатга тортамиз.

— Истиқлол шарофати билан ўзлигимизни, ўз ҳуқуқимизни англаб етдик. Шу боис кимга, нима учун овоз беришимизни ўзимиз, фақат ўзимиз ҳал қиламиз, — дейди тадбиркор Баҳром Абдусаломов

Ичкарида туман сайлов комиссияси аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлаётган экан. Комиссия раиси муовини Абдулла Эргашев, марказий сайлов участкаси котибаси Сайёра Қодирхўжаева, аъзолардан - Ўткир Усмонов, Эгамберди Шамсиев, Саида Алтаева, Қутбиниса Шораҳметовалар билан тайёргарлик масалалари юзасидан фикр алмашарди. Биз уларга ҳалақит бермаслик ниятида столларга қўйилган газета тахламларини кўздан кечирамиз. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ишонч», «Тошкент ҳақиқати», «Давр овози» газеталарининг янги сонлари дид билан териб қўйилган. Махсус бурчакда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида»ги қонунлар, округ сайлов комиссияси аъзолари, мазкур сайлов участкасидан навбатчилар рўйхатлари. Ён томонда сайловчилар яшайдиган ҳудуд харитаси.

Йиғилиш ҳам охирлаб қолганди. А.Эргашев сўзини якунламоқда:

— Сайловчиларни рўйхатга олиш пайтида уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашган маъқул. Масалан, айтайлик, у ўзининг сайлаш ҳуқуқини қай даражада билади, мустақил фикрга эгами, бу йилги сайловларнинг аввалгиларидан фарқи ҳақида ҳам зарурат бўлса тушунча бериш, хуллас, уларнинг биронта саволи жавобсиз қолмаслиги керак.

Йиғилиш тугагач, марказий сайлов участкаси комиссияси аъзоси Қ.Шораҳметованинг бўлажак сайловлар ҳақидаги фикр мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Менимча, халқимиз, Ватанимиз тақдири ҳақида астойдил қайғурадиган, ўзини иймонли деб ҳисоблайдиган ҳар бир одам депутатликка энг муносиб кишилар сайланишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Зеро, ҳар бир фуқаро сайлов орқали ўз хоҳиш-иродасини ифода этар экан, бу билан у давлатни бошқаришда иштирок этаётганини чуқур тушуниб етсин.

**Абдунаби МАННОПОВ.**

**Суратларда: туман марказий сайлов участкаси комиссияси аъзолари ўзаро фикр алмашишмоқда.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**




*Шарҳ*

## ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК — ЕТУКЛИГИМИЗ МЕЗОНИ

Кичик сайлов участкаларида, сайлов рўйхатига киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган тақдирда, участка сайлов комиссияси истаган вақтида овоз бериш тугаганлигини эълон қилади.

Овоз бериш биноси сайлов куни участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида 2/3 қисми ҳозир бўлгандагина очилади.

Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари олдида сайлов қутиларини муҳрлайди. Сайлов бюллетенлари ва рўйхатларини комиссия аъзоларига тақсимлаб беради. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Сайловчилар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатгач, сайлов рўйхатига имзо чекади ва сайлов бюллетенини олади. Мабодо, сайлов рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар аниқлангудек бўлса, унинг шахси аниқлантирилиб, сайловчилар рўйхати иловасига киритилади ва бу шахс сайловга қуйилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш хонасида тўлдирилади. Бюллетен тўлдириш вақтида ҳеч ким унга халақит бериши, олдида ҳозир бўлиши мумкин эмас, фақат сайловчининг имкони бўлмаган тақдирда, сайлов комиссиялари аъзоларидан бошқа шахс, овоз берувчининг шартномасига кўра, сайлов бюллетинини тўлдиришда ёрдам бериши мумкин.

Сайловчи қарши бўлган номзоднинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради, тўлдирилган бюллетен овоз берувчи қутига ташланади.

Қонунчилик сайлов куни сайловда қатнашишга имконияти бўлмаган сайловчиларга масъул ходимлар ёрдамлар бериши мумкинлигини назарда тутган.

Овоз бериш тугагач, фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади.

Сайлов қутилари овоз бериш тугагач очилиб, участка сайлов комиссияси овоз беришда иштирок этганларнинг умумий сонини, ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини - ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар, сайлов варақалари сонини аниқлайди.

Бузилган бюллетенлар ва белгиланган намунада тўлдирилмаган бюллетенлар ҳақиқий эмас, деб топилади.

Сайлов натижалари Устав Кенгаш мажлисида кўриб чиқилиб, баён ёзилади. Баён участка сайлов комиссияси раиси, ўринбосари, котиб ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва тегишли ОСКга тақдим этилади.

Участка сайлов комиссияси баёнлари асосида ОСК сайлов натижаларини умумлаштиради ва аниқлайди. Сайлов натижалари ОСК мажлисида ёзилган баёнда акс эттирилади. Баён раис, ўринбосари, комиссия котиби ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланиб, белгиланган тартибда МСКга тақдим этилади.

Олий Мажлисга депутатлар сайловининг натижалари округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида аниқланади. Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади. Агарда сайловда сайловчиларнинг жамидан ярми иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади.

Депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказилади. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий сайлов қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) сайлов ўтмаган ёхуд хақиқий эмас деб топилса;

б) такрорий овоз бериш ҳам натижа бермаса;

в) кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса.

Такрорий сайловда овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Асосий сайловда номзоди кўрсатилган шахс ана шу ва бошқа округда такрорий сайловда депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ой ичида ўтказилади.

Олий Мажлис айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда, тегишли сайлов округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида янги сайлов ўтказилади.

Ваколат муддати тугашига олти ойдан кам вақт қолганида депутатнинг ўрни бўшаб қолса, бу ўринга янги сайлов ўтказилмаслиги мумкин.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида Олий Мажлисга сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу хақда депутатларни хабардор этади.

Сайлов якунларини Марказий сайлов комиссияси эълон қилади. Бунда депутатлар рўйхати алифбо тартибда фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, партияга мансублиги, машғулотининг тури, иш ва яшаш жойи, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда кўпи билан ўн кун ичида эълон қилади.

Олий Мажлис томонидан депутатнинг ваколатлари тасдиқланганидан кейин депутат этиб сайланганлиги тўғрисида унга округ сайлов комиссияси томонидан берилган гувоҳнома Олий Мажлис депутати гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга белгиланган намунадаги кўкракка тақиладиган нишон берилади.

Сайловнинг молиявий таъминоти Ўзбекистон Республикаси давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Корхона,муассаса, ташкилот, фуқаролар ва сиёсий партиялар ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Ушбу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланади. Сайлов ҳуқуқини, жараёнини бузган ва бузишга ҳаракат қилган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдорлар, сиёсий партиянинг вакиллари, шунингдек, депутатликка номзод тўғрисидаги сохта маълумот тарқатган шахслар қонуний жавобгарликка тортилади.

(Боши ўтган сонларда)

*Шу сонга хабарлар*

### КОРХОНА ҲИССАСИ ОРТМОҚДА

Бухоро вилоятидаги улкан корхоналардан бири саналган Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш корхонасининг қурилиб ишга туширилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ.

Илгари вилоятнинг саноат ишлаб чиқаришидаги ёнилғи тармоғининг ўрни унчалик сезилмас, бор-йўғи 1.4 фоизни ташкил этарди. Аммо корхона ўз фаолиятини бошлагач, унинг улуши 40.5 фоизга етди.

Маҳсулотларнинг бир қисми хорижга экспорт қилинаётганлиги корхона имкониятларининг тобора кенгайиб бораётганлигидан дарак беради. Яқинда бу ерда халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун жуда асқотадиган техник кислород ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Бу - корхона қувватининг янада ошишига хизмат қилаётир.

### РАҒБАТ

Бухоро тиббиёт институтининг талаба-ёшлари Жондор туманидаги «Бухоро», Ибн Сино номли, «Варахша» жамоа хўжаликлари пахтакорларига ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан кўмак бермоқдалар. 1000 нафардан зиёд ҳашарчилар мадади билан кунига 35-40тонна атрофида дурдона териб олинишига эришилаётир.

Ҳар беш кунликда ҳашарчиларнинг меҳнат ҳақлари бериб борилмоқда. Ўтган 5 кунлик якунларига кўра Зохир Азимов, Дилафруз Солиева, Анвар Эргашев, Жобир Барноев ва бошқалар мусобақа ғолиби бўлдилар. Уларга ҳам институт, ҳам жамоа хўжалиги маъмуриятлари ҳамда Касабакўм томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Умид НАВРЎЗОВ, талаба.**

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ

**Савол**: Бизни сайлов бюллетенларини етказиб бериш тартиби кўпроқ қизиқтиради. Бу қандай амалга оширилади?

**С.НУРЛИБОЕВ, Нукус шаҳри.**

**Жавоб**: Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасида сўз юритилади. Хусусан, участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганда оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

**Савол**: Албатта, бу йилги сайлов аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Чунончи, сайловчилар собиқ шўро тузуми давридагидек, кўр-кўрона тартибда эмас, балки ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан овоз берадилар. Бунинг тартиби қандай?

**О.НАВРЎЗБЕКОВ, Қоракўл тумани.**

**Жавоб**: 38-моддада шундай таъриф бор: овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилиялари кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот Марказида давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг мамлакат Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ҳокимият вакиллик органларига, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига матбуот имкониятларидан фойдаланишда тенг шароитни таъминлаш бўйича қарори изчил бажарилиши зарурлиги хусусида гап борди.

## Тенглик ва холислик асосида

Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов ўз сўзида бу борада журналистлар олдида турган вазифаларга тўхталиб, сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишдек муҳим сиёсий тадбирни ёритиш давомида барча номзодларга, сиёсий партияларга тенг муносабатда бўлиш, қонунчиликда белгиланган ошкоралик тамойилларига мувофиқ холис ва адолатли ёндошиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Анжуманда мулкчилик шаклидан қатъи назар, республика ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситалари - телевидение, радио ва газеталарга сайловлар кампаниясини бепул, ҳомийларнинг аралашувисиз кенг ёритиш тавсия этилди. Давлат ва нодавлат телевидение, радио ва кундалик нашрлари ҳар бир сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари учун эфир вақти, босма миқдорини тенг тақсимлаши шарт.

*Диққат: янги нашр*

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази нашри - «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг биринчи сони босмадан чиқди.**

## ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Тоталитар тузумларнинг энг кучли қуроли ҳамиша омманинг саводсизлиги, яъни асосий манбалардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлган, далиллар ўрнига ўзи ҳақида ўзи сўзловчи ёки фикрлашни талаб этувчи - шарҳларнигина «ҳазм қилувчи», ўз-ўзидан маълумки, тузум учун қулай ва мақбул бўлган оммавий саводсизлик эди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини талқин этувчи халқаро ҳужжатлардан хабарсизлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мана шунинг учун ҳам демократия, ҳуқуқ ва фуқаролар эркинлиги асослари қуриладиган муҳим ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар босиладиган журналнинг пайдо бўлиши давлатимизнинг Омбудсман институтининг, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва бошқа шу кабиларни ташкил этишлиги билан тенг воқеликдир. Демак, мана шундай инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар Ўзбекистон «плакат» демократияси томон эмас, балки ҳақиқий, том маънодаги демократия томон бораётганидан далолатдир.

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» ўзининг биринчи сонида ўқувчиларига нималарни таклиф этади?

Аввало, таҳририятнинг журналхонларга мурожаатини. Мурожаат ҳар хил баландпарвоз иборалардан ҳоли бўлиб, унда эзгу вазифалар баён этилган, шунга кўра янги нашр камтарин, лўнда ва мақсадга мувофиқдир. У «...ўқувчиларнинг кенг доирасига мўлжалланган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонуншунослик билан таништиришни мақсад қилиб олган...

Умид қиламизки, «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, фуқаролар онгининг ўсишига, ҳуқуқий билим ва маданият савиясининг ошишига кўмаклашади... Журналимиз ўз саҳифаларида ҳуқуқ муаммолари бўйича ўзбекистонлик ва хорижлик таниқли мутахассисларнинг чиқишлари, «Инсон ҳуқуқлари» курси мураббийларига кўмаклашувчи материалларни, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича мавжуд даврий нашрлар билан ўқувчи ва талабаларга маълумот беришни режалаштирган».

Бундай аниқ ва лўнда ифодага бирон бир қўшимча қилиш мушкул, шунинг учун биринчи сонниng мазкур мақсадини тасдиқловчи материаллар баёнига ўтган маъқул.

Бу материалларни номма-ном санаб ўтишнинг ўзи ҳам етарли, ортиқча шарҳга ҳожат йўқ. Журнал ўз мундарижасига демократия ва инсон ҳуқуқлари сингари ниҳоятда қимматли ва муқаддас тушунчаларни мужассам этган ва журналхонларга бутун жаҳон қадрлайдиган ҳужжатларни тақдим этади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, бу тарихий ҳужжатнинг 50 йиллиги муносабати билан қабул қилинган 1998 йилги Париж декларацияси шулар жумласидандир.

Уч тилда - ўзбек, инглиз ва рус тилида журналхонларга мамлакатимизнинг ва хорижий мамлакатларнинг йирик ижтимоий-сиёсий арбоблари, дипломатлари, ҳуқуқшунослари, БМТ Бош котиби К.Аннан, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили П.Крал, БМТ Ривожлантириш дастури лойиҳаси Бош техник маслаҳатчиси Н.Фараҳат, Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси И.Брунети, Америка юристлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили Ф.Асеан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Ҳалилов, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, Республика ИИВ академияси бошлиғининг ўринбосари А.Якубов, Ўзбекистон адвокатлар ассоциациясининг Президенти Ф.Ашуров мурожаат қилади. Журнал меҳмонлари, бошқа муаллифлар, Омбудсманнинг Ўзбекистондаги ва чет эллардаги фаолияти, Ўзбекистоннинг нотижорат қонунчилиги, қонунларнинг бажарилиши устидан назоратнинг жаҳон тажрибаси ҳақида ҳикоя қилади, мамлакатимиздаги ўлим жазоси муаммолари ҳақида фикр юритади, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича юридик маслаҳатлар беради, бобурийлар қонунчилиги ва буюк ватандошимиз Бурҳонидин Марғинонийнинг ҳуқуқий мероси билан таништиради.

Ҳақиқатдан ҳам, муболағасиз айтиш мумкинки, бизда шу кунларгача мазкур йўналишдаги салобатли, ваколатли ва шу билан бир вақтда, демократик нашр бўлмаган. Журналнинг биринчи сониёқ умидвор қилади, у журналхонлар билан мунозарага тайёр. Журнал ўз ўқувчиларига муҳим ҳуқуқий асосларни етказади, ваҳоланки, шу асослар туфайли - таҳририятнинг мурожаатига яна бир бор эътибор берамиз - «Озод, демократик, тараққий этган жамиятнинг фуқароси, аввало, ўзининг шахс сифатида қадрланишига ўрганмоғи, жамиятда ўз ўрнини топиб, Ватан олдидаги ўз ҳуқуқ ва бурчини ҳис эта олмоғи лозим».

**(ЎзА)**

